


“Ал-Ақсо” масжиди имоми Ўзбекистонга ташриф буюрди



09:30 / 25.10.2018 3339

Куни кеча Қуддус шаҳридаги “Ал-Ақсо” масжиди имом-хатиби Юнус Салоҳ Одил бошчилигидаги делегация Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан учрашди, деб хабар қилди [Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати](#).

Учрашувда муфтий меҳмонларни ташриф билан қутлаб, мамлакатимизнинг ушбу муқаддас диёр билан алоқалари ривожланиб бораётганини эътироф қилди.

Ўз навбатида, Юнус Салоҳ Одил ҳам мана шундай улуғ алломалар етишиб чиққан табаррук Ўзбекистон заминини зиёрат қилганидан беҳад мамнун эканини изҳор қилди. Меҳмон сафар давомида олган тассуротларини ўз

халқига сўзлаб беришини ва уларни бу диёрларни ҳам зиёрат қилишга чорлашини таъкидлади.

Учрашув давомида зиёрат туризмини ривожлантириш ва икки давлат уламолари ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Islom.uz портали таҳририяти